

Барча боскичдаги адабий таълимлар ўз мохият ва мақсадларига кўра батамом рухий тарбия илмига асосланмокни, тўғридан-тўғри ёки маънан унга мурожаат килмокни такозо этади. Олий филологик тахсил жараёнида бу эҳтиёж янада ортади. Хар кандай мавзу, гоё, мазмунни, бахсли масалани, тугунлар ечимини, мухими, энг одил хулосани рухий тарбия таълимотларисиз хосил килиш мумкин бўлмай қолади. Баркамол авлодни шакллантириш, шу умумбашарий бурчга муайян хисса қўшиш масъулиятидан холий бўлган ҳеч бир дийний ва дунёвий илму фан, касбу хунар йўқ. Ва ҳамма матлуб маориф ҳамда маърифат соҳалари рухий тарбия илмига ҳамиша ҳожатманд. Адабий ижод ва унинг кизгин жараёни, фасоҳат дунёсини турли томондан тадқиқ этадиган илмлар эса ўз табиатларига биноан рухий-маънавий тарбияга бевосита мансуб йўналишлардир.

Маълумки, инсон мохиятининг ўта муҳим икки жиҳатидан келиб чиқиб, ҳақ эътиқоднинг ўнлаб илмлари умумлашма икки йўналишга бўлинади: “шариат” жисмоний амаллар кўринишида намоён бўлувчи вазифаларга оид таълимотларни; “рухий тарбия” ақл, тафаккур, қалб, рух сингари ҳақиқатларини Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким билмайдиган руҳоний, латиф илохий неъматлар билан боғлиқ маънавий-ахлоқий таълимотларни ўз ичига олади. Хар икки йўналишдаги илмлар ўз тафсилотларини энг дақиқ масалаларигача Қуръони Карим ва Суннат асосида баён қилади.

Қуръони Карим - одамзот яратилганидан бўён тушган самовий китобларнинг сўнггиси, охириги пайгамбар Муҳаммад алайҳиссаломга Аллоҳ таолонинг барча маконлару замонлар учун қувватли ва салоҳиятли нозил қилган ваҳийси. Суннат (ҳадис) – маъноси Ҳақ субҳанаҳу ва таолодан, лафзи Пайгамбар саллаллоҳу алайҳи васалламдан бўлган ваҳий. Илм ва ҳикмат дийни бўлган исломдаги бу икки ҳазинанинг масдари Аллоҳдир. Ислом таълимотлари бизга, илмларимизга эмас, аксинча, бизнинг ўзимиз ва бутун фаолиятларимиз унга муҳтож, эҳтиёжманд. Муаммони ҳатто сўз санъатининг дийний мавзулари доирасидагина тушуниш ҳам мантикий маҳдудликдир. Адабиёт ҳамда унинг илмларини буюк иймоний қоидалар билан ҳамбарчас боғлаб турувчи ришталар сон-саноксиз. Бу инсон яралишининг асл табиатиға хос табиий ҳолдир ва бошқача бўлиши мумкин эмас.

Айни муштаракликнинг равшан кўринишларидан бири шуки, рухий тарбия илмининг ўзида ҳам шу илм етук уламолари силсиласида Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуҳолик Гиждувоний, Ҳожа Аҳрор Валий, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий сингари алломалар, адиблар, Ибн Синонинг “Рисолатун фил ҳикмати”, “Китобут-тойр”, “Асрорус-солати”, “Ал-Инсоф”, Абу Наср Фаробийнинг “Ороу аҳли мадийнатил фозила”, “Ал-Одоб ал-мулукийн” каби нафси поклаш, ахлоқни сайқаллаш бобидаги фалсафий китоблари кизгин эътироф этиб келинади.

Ақийдага тегишли нафакат умумий қоидалар, нафакат пайгамбарлар тарихи ёҳуд ваҳийда қелган воқеалар, балки хусусий ва умумий маъноли юзлаб руҳоний-маънавий тушунчалар ҳам ўз лугавий, истилоҳий шарҳларини адабий таълим жараёнида такозо этади. Чунончи, гайбиёт, зуҳд, фаришта, шайтон, жин, дўзах, жаннат, ширк каби улкан тушунчалар, маънолари ҳозирда чекланган ҳолда, нотугал талкин этилаётган нафс, гуноҳ, савоб, касб, ҳалол, ҳаром, ҳақ, ботил, зулм, саҳоват, исроф, ибодат сингари кенг ва ўта кенг маъноли амаллар ислом масдарлари асосида аниқ тавсифларини талаб этади.

Адабий тахлилу талкинлар мобайнида масалаларга ҳақ таълимотдаги тафсиф, таъриф, тавсия, насиҳат, амр ва ҳукмларни далил-ҳужжат қилиб олиб ёҳуд диққат марказида тутган ҳолда муносабатда бўлмок билимдан кўзда тутилган асл мақсадга ҳар жиҳатдан самара келтириши шубҳасиздир. Фойдаларнинг баъзиларини санаймиз.

Аввало, толиби илмлар ижод маҳсулида акс этган ҳолат-ҳодиса, мавзу, мазмун, гоёни, борлик, дунё, характер манзараларини энг юксак ҳақиқатлар нуқтаи назаридан ҳолис идрок, тафаккур қиладилар.

Уларнинг таассуротлари тўғри ва тиник чиқади, тасаввурлари бойийди. Адабий ижод ҳамда бадиий асар кимматини, уларнинг ютуқ, юткизикларни чинакам мақбул мезонлар асосида талкин қилиб, одил ҳулосаларга келишни касб эта борадилар.

Турмуш ва дунёқарашдаги реал ҳақиқат билан унинг нафис, поэтик ифодасини, ҳаётий аҳволдаги аниқлик билан бадиий тўқимани, барчасининг уйғунлик, мутаносиблик маромларини беҳато фаҳмлайди. Дийн тарихидаги ҳақиқатга зид, лекин унга қориштирилиб тасвирланган афсона ёки ривоятни ажратиб олади.

Аслида барча нарсаларга ва фаолиятларга тегишли бўлган ҳалол ва ҳаром деган тушунчаларнинг туб моҳиятларини, барчада мавжуд турли-туман туйғуларнинг маъною мезонини, уларга доир илоҳий тақлиф, тавсия, кўрсатма, насиҳат, ҳукмларни билиб оладилар.

Кўча-кўй, ҳар-хил кишилар, бўш-саёз китоблар таъсирида шуурларига номуносиб ўрнашган чалкашликлар, ботиллар барҳам топади. Сўз бойлиги, ҳурфикрлилик, мантикий идроклаш микёси кенгаяди. Ҳақ гап голиб келиб, ҳақиқатлардан огоҳлик ҳисси кучаяди. Баҳс-мунозаралар, мавҳум тушунишлар ва фикрий хилма-хиллик натижасида юзага чиққан гоёвий-назарий ноаниқликлар инкор этиб бўлмас далиллар воситасида муолажа қилинади. Ҳаққоний, мўътадил, ҳаммага манзур ва фойдали ҳулосаларга келинади. Илм оловчиларнинг сўз бойлиги ортади, нутқи сайқалланади, нуткий маданияти ривожланади. Тил воситасидаги ҳалол ва ҳаромни, муомала-муносабат ўлчов қоидаларини идроклайди.

Истиклол йилларида рухий бўшлиқлар анчайин барҳам топиб бормокда. Бугунги одамлар исломий ақийдалардан боҳабарлар. Мустаҳкам эътиқодлилар кўп. Аммо эътиқодга даъвогарлар орасида ҳам юзакилик, солиҳ амалларга лоқайдлик кам эмас. Ёшларда эса турли номаъқул таъсирларга, ёт оқимлар, секталар тўрига илиниш ҳавфи сакланиб турибди. Илму эзгу амаллар уйғунлиги учун мусобақалашуш суст. Нега шундай? Бош сабаблардан бири яна рухий тарбия илмидан, рухий-маънавий ҳамда ахлокий асослардан етарли воқиф эмасликка бориб такалади. Шу маънода ҳам эътиқод таълимотларига мурожаатчи адабий талкиншунослик зарур имкониятлардан ҳисобланади.

Мухими, бундай ёндашувли таҳсил йўсинлари орқали бир фаолиятда ўзаро мужассам икки улкан вазифанинг - ижтимоий-эстетик таълимнинг ва рухий-ахлокий тарбиянинг мақсадга энг мувофиқ йўлидан огишилмайди. У ёки бу масалада мувозанат сакланади, ҳаддан ошиш содир бўлмайди. Билимлар ҳосил қилдиришдан туб муддао барқамол инсонийлик, илмларни қалбан ва жисмонан амалда жорий этиш экан, мазкур усул руҳиятларни пок сифатлар билан зийнатланиш томон бошлайди.

Тўғри, ҳақ таълимотларга таяниш нисбати ва шакллари ҳар адабий илмда ва бир фаннинг ҳар бўлимида турлича бўлиши мумкин. Бу ҳол, жумладан, ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш босқичларида кўринади. Исломига қирилган даврлардан ўтган аср бошларигача ягона эътиқод заминида барпо бўлган адабий, илмий мероснинг ўқитилиши

ислом манбааларига мурожаатни кўп ва бевосита такозо этиши шубҳасиз. XX аср ўзбек адабиёти, бугунги адабий жараён талкинлари эса ўз турфа тамойиллари, мавзу микёсларига, гоёвий-бадий, ижтимоий-фалсафий жихатларига кўра дийний тушунча ва кадрятларга кўпроқ рухий-маънавий муносабат шаклини талаб килади.

Ислом манбаларига таяниш тамойили амалдаги таълимнинг ҳеч бир анъанвий илгор усул ва услубини инкор этмайди. Ўзаро боғлиқлик тез илгангани учун ҳам истиклолнинг илк боскичларидаёқ кўп зарур дийний маълумотлар янги дарслик, қўлланма, лугатларда ўз ифодасини топди. Тафсилотни тўлиқ етказиш, таҳлил-талкинлар қувватини ошириш учун эндиликда мазкур мавзуга доир илова характеридаги ўқув қўлланмаларга эҳтиёж сезилмоқда. Зеро, рухий тарбия илмидан бахрамандликни кучайтириш филологик таълимлар сифати, мазмунини янада муфассал килади, нурлантиради.

“Оғзаки ва ёзма нутқ муаммолари”

Низомий номидаги ТДПУ, Тошкент 2010-йил

Тохир Шермурод